

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.МУХАММЕДОВА	
Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш.....	73
ТИЛШУНОСЛИК	
К.КАРИМОВ	
Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари.....	76
У.НОСИРОВА	
Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари	80
Н.АХМАДЖОНОВ	
Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир	83
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА	
Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари	86
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА	
Коеффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала	89
Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА	
Векуа-Эрдей-Лоундес типига янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида.....	92
Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин.....	94
А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ	
Шайх Акбар (Улуғ Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар	97
У.НАЗИРОВ	
Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари.....	100
А.КОСИМОВ	
XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари).....	102
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги	105
А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА	
Концептнинг тоифалари.....	108
К.ХОДЖАХАНОВА	
Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари.....	110
Б.ҚУРБОНОВА	
Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари.....	113
Н.МЕРГАНОВА	
Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти.....	115
Э.ДЖАББАРОВА	
Модуляр таълим инновацион таълим сифатида	118
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ	
Ўзлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари	121
АДАБИЙ ТАҚВИМ	
Ибрatли ҳаёт йўли.....	124
ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография.....	127

УДК: 8+008

БАДИЙ МАДАНИЯТ: МАЗМУН-МОҲИЯТИ, СТРУКТУРА ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**У.Назиров****Аннотация***Мақолада этномаданият, бадиий маданият, шахсий маданият ва ўзликни англаш ғоялари ёритилган.***Аннотация***В статье рассмотрены вопросы этнокультуры, художественной культуры, личной культуры и самосознания.***Annotation***In this article the questions of ethnoculture, art culture, personal culture and self-consciousness are considered.****Калит сўз ва иборалар:** этномаданият, бадиий маданият, маданият субстанцияси, шахсий маданият, ўзликни англаш ғоялари.****Ключевые слова и выражения:** этнокультура, художественная культура, культурная субстанция, личная культура, самосознание****Keywords and expressions:** ethnoculture, art culture, cultural substance, personal culture, self-consciousness.*

Мустақиллик шароитида жамиятимиз маънавий ҳаётининг барча соҳаларида янгиланишлар юз бермоқда. Бу қонуний жараёни биз маданият билан ижтимоий ҳаёт ўртасидаги алоқа ва таъсирларнинг ўзаро чуқурлашиб, кенгайиб боришида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан маданият муаммолари фалсафа, эстетика, социология, педагогика, санъатшунослик каби фанлар томонидан таҳлил этилаётганлиги тасодифий эмас.

“Руҳий эркинлик ифодаси” [1.174] саналган ҳозирги замон ўзбек бадиий маданиятининг тарихий илдизлари, ривожланиш тамойиллари, структураси ва ижтимоий функцияларини тадқиқ этиш миллий ғояга асосланади. Бинобарин, санъат, бадиий маданият соҳасида “миллий ғояни тараннум этишга, истиқлол мафқурасига зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб беришга, айниқса, эътиборни кучайтириш, ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳамда фикр қашшоқлигига қарши курашиш, баҳс-мунозара ва таҳлиллар орқали мафқуравий муҳитнинг соғлом бўлишига эришиш” [2.65] бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Бадиий маданиятнинг моҳияти тўғрисидаги масала, авваламбор, маданият ҳақидаги умумий тасаввурлар доирасида қараб чиқилиши, сўнгра унинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаб олиниши лозим. Бу – масалани умумийлик ва алоҳидалик диалектик асосида белгилашнинг муҳим

жиҳатини ташкил этади.

Бу ерда маданият назарияси категориялари, тадқиқот усуллари ва тамойиллари бадиий маданият моҳиятини илмий ўрганиш учун етарлими, деган савол туғилиши табиий. Масала анча мураккаб бўлиб, унга жавоб бериш маданият тўғрисидаги чуқур дастур ва амалий асосларга суянишни тақозо этади.

Маданият тушунчаси инсон борлигининг ранг-баранглиги ҳамда чексизлигини ифодалаганлиги учун унинг турлича таърифлари вужудга келганлиги ўз-ўзидан маълум. Илмий адабиётларда маданият феноменини тасниф қилишда ниҳоятда ранг-баранг ёндашувлар мавжудлигини қайд этган ҳолда, биз тадқиқотчиларнинг аксарияти томонидан эътироф этилган муҳим методологик йўналишларни қисқача таъкидламоқчимиз.

Бу соҳада гуманистик характерга эга бўлган биринчи йўналиш маданиятни инсон ижтимоий табиати ва фаолияти атрибути сифатида тушунади. Бунга кўра, маданият субстанцияси, унинг ташувчиси тариқасида инсон ижтимоий муносабатларнинг бутун кўлами, ўзи яратган моддий ва маънавий-ижтимоий бирлик билан биргаликда олиб қаралади [3]. В.С.Барулиннинг эътироф этишича, “жамиятнинг инсонийлик мўлжаллари билан инсон моҳиятининг уйғунлашиши маданият гавдаланишининг ҳақиқий борлигини намоён қилади. Инсон ўзининг бутун мураккаблиги ва кенг қамровли борлиги билан маданиятнинг қалби ва

У.Назиров – ФарДУ фалсафа кафедраси докторанти.

жонидир” [4.400].

Иккинчи йўналиш маданиятга инсон ижтимоий моҳиятини шакллантиришнинг омили сифатида ёндашади, асосий урғуни унинг яратувчанлик, ижодкорлик табиатига беради. Шу маънода яратилган барча маҳсулотлар-нарсалар, ғоялар, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар инсоннинг ўз борлиғи, инсоний фаолият усулларидан бошқа нарса эмас [5.7]. Бинобарин, “Маданият – табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолияти (шахсий маданият), ижтимоий гуруҳнинг ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулидан иборат” [6.230].

Учинчи йўналиш маданиятни инсон фаолиятини қадриятли-меъёрий бошқариш сифатида эътироф этади. Маълумки, инсонни ижтимоий моҳият сифатида шакллантирувчи ҳаётини фаолият объектив йўналишга эга бўлса-да, инсон, айтилган пайтда, ўзига боғлиқ муайян омиллар, мўлжаллар таъсирида ҳам умр кечирилади. Халқнинг тарихий тараққиёт давомида шаклланган ўзлигини англаш ғоялари, тажрибаси, меъёр ва идеаллари ана шулар сирасига киради. Ҳар бир инсон уларнинг маънавий-ахлоқий тамойилларини адо этишга даъват этиладики, оқибатда унинг ўз-ўзини яратиш маданияти шаклланади ва ривожланади. Маданият жамият ҳаётини шарт-шароитлари билан белгиланувчи ва унинг турмуши, мафқураси, таълим-тарбияси, фани ва санъатида ифодаланувчи ғоявий ва ахлоқий ҳолатидир [7]. И.Кант фикрича, маданият “аслида инсоннинг ижтимоий қадриятидир” [8.11].

Шундай қилиб, юқоридагилар маданиятнинг гуманистик, яратувчанлик ҳамда қадриятли-бошқарувчанлик моҳиятини тушунишда, хусусан, бадий маданиятнинг моҳият-мазмунини белгилашда муҳим методологик аҳамият касб этади.

Бадий маданият, унинг моҳият-мазмунини, жамиятдаги ўрнини таҳлил этиш миллий мафқуранинг асосий тамойилларидан келиб чиқувчи диалектик ёндашувни тақозо этади. Зеро, бундай қараш ҳаёт, инсон фаолияти, шу жумладан, бадий маданиятни баҳолаш, ижодий жараёнларни ўрганиш ва назарий хулосалар чиқаришда муҳим методологик аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, бадий маданиятни фалсафий тадқиқ этиш методологияси қуйидагиларни таҳлил этишни назарда тутлади: бадий маданият нисбий мустақил ҳодиса бўлиб, муайян ижтимоий тузум билан узвий алоқада фаолият кўрсатади; унинг ғоявий ва эстетик йўналишига муайян ижтимоий-сиёсий ва маънавий жараёнларнинг таъсирини ўтказиб туради; ижтимоий-эстетик идеал, ахлоқ, фалсафа ва онгнинг бошқа шакллари билан бадий маданият ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуд; миллий ўзига хослик билан умуминсонийлик ўртасидаги мутаносиблик бадий маданият ижтимоий-гуманистик моҳиятини ташкил этади; бадий маданиятни муҳим ахлоқий-эстетик қадрият сифатида тадқиқ этиш унинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳамда ролини илмий асослашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10 т. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
3. Абдуллаев М. Эстетическая культура. – Т., “Фан”, 1991, С. 8; Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2004, 5 б.; Основы философии (Под.ред М А.Ахмедовой и В.С.Хана). –Т.: “Mehnat”, 2004. С.393; Шермухамедов С. Независимость и развитие философии в Республике Узбекистан. –Т.: “Фан”, 2006.
4. Барулин В.С. Социальная философия – М.: ФАИР-ПРЕСС, 1999.
5. Цай А.В. Материальная культура в свете современной эстетики. – Т.: “Фан”, 1998.
6. Фалсафа. Қомусий луғат. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Т.: “Шарқ”, 2004.
7. Ахмедова Э., Габидулин Р. Культурология. Мировая культура. – Ташкент: Академия художеств Узбекистана, 2001, С.279; Соифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Т.: “Шарқ”, 2001.
8. Кант И. Собр. сочинений в 6 тт. Т.6. – М.: “Мысль”, 1966.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).